УДК: 631.15:33:636.2.034

БЕЛАРУСЬ РЕСПУБЛИКАСИ ҚОРАМОЛЧИЛИГИДА НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ ВА НАСЛЧИЛИК ИШИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАЖРИБАЛАРИ

[1]Аллаяров Шерали Шамшиевич, [2]Маматкулов Абдурашид Вахидович, [3]Маматқулов Олимжон Эшонқулович

[1]қ.х.ф.ф.доктори (Phd), Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти докторанти, [2]и.ф.д., Тошкент давлат аграр университети профессори, [3]қ.х.ф.ф.доктори (Phd), Наслчилик илмий-ишлаб чиқариш маркази директори

https://doi.org/10.5281/zenodo.19220742

Аннотация. *Мақолада Евроосиё давлатлари ичида чорвачилик бўйича илғор натижаларга эришилган давлатлардан бири - Беларусь Республикасида қорамолчиликни ривожлантириш, чорвачилик менежментида наслчилик тизими, сутдор қорамолчиликни оқилона ташкил этишда режалаштириш, бошқариш, мониторинг юртиш ва мувофиқлаштириш борасида амалага оширилаётган ишлар, шу жумладан, наслчилик хизмати тизими, бошқариш механизми ҳақида фикр-мулоҳазалар баён этилган. Бунда, ушбу мамлакатда эришилган ютуқлар, илғор тажриба ютуқлари таҳлилий нуқтаи назардан ёритилган. Шу билан биргаликдан тўпланган маълумот ва таҳлиллардан фойдаланиб Беларусь Республикаси наслчилик ишлари тажрибасидан Ўзбекистонда самарали қўллаш имкониятлари борасида хулосалар баён этилган*

Калит сўзлар: *чорвачилик, қорамолчилик, сутчилик, наслчилик, мониторинг, менежмент, сут, гўшт, генетика, селекция*

Аннотация. *В статье представлены аналитические информации о развитии скотоводства в Республике Беларусь – одной из стран Евразии, достигшей передовых результатов в животноводстве, о системе племенного дела в животноводстве, о проводимой работе по рациональной организации молочного скотоводства, включая систему племенного дела и механизм управления. В статье с аналитической точки зрения рассматриваются достижения и передовой опыт, достигнутые в Республике Беларусь и одновременно, на основе собранных данных и анализа, приведены выводы об использовании опыта Республики Беларусь при организации племенного дела в Узбекистане.*

Ключевые слова: *животноводство, скотоводство, молочное животноводство, разведение, мониторинг, управление, молоко, мясо, генетика, селекция*

Abstract. *This article presents analytical information on the development of livestock farming in the Republic of Belarus, a Eurasian country that has achieved cutting-edge results in livestock farming. It also examines the livestock breeding system and the ongoing work to rationally organize dairy farming, including the livestock breeding system and management mechanisms. The article analyzes the achievements and best practices achieved in the Republic of Belarus from an analytical perspective. Based on the collected data and analysis, it also draws conclusions on the application of Belarus's experience to the organization of livestock breeding in Uzbekistan.*

Keywords: *animal husbandry, cattle breeding, dairy farming, breeding, monitoring, management, milk, meat, genetics, selection*

Кириш. Беларусь Республика бугунги кунда нафақат МДҲ давлатлари ўртасида, балки, Евроосиё ҳудудида чорвачилик, айниқса, қорамолчилик ривожланган мамалакатлар бири эканлиги билан алоҳида эътиборга эга. Чунки, чорвачилик маҳсулотлари, айниқса, сут-гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг аҳамияти нафақат озиқ-овқат хавфсизлигиги таъминлаш нуқтаи назаридан, балки, ташқи савдо нуқтаи назаридан ҳам муҳим ижтимоий-иқтисодий масала ҳисобланади. Бу ҳолат ушбу йўналишда илғор натижаларга эришган мамлакатлар тажрибасини ўрганишнинг долзарблигини англатади. Айни вақтда Беларусь Республикаси жон бошига сут ишлаб чиқариш кўрсаткичи бўйича дунёда энг илғор мамлакат ҳисобланади. Мамлакат қорамолчилиги сутга бўлган эҳтиёжнинг 99 %ини, гўштга бўлган эҳтиёжнинг қарийиб 30 %ини қондиради. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак-ки, Беларусь сут маҳсулотлари ўзининг сифат-таъм хусусиятларининг юқорилиги, божхона талабларига мослиги билан МДҲ бозорларида энг қадрли маҳсулотлар ҳисобланади.

Бу мамлакатда асосий сут ишлаб чиқарувчилар қишлоқ хўжалик корхоналари (жамоа ва фермер хўжаликлари) бўлиб, улар собиқ Иттифоқ тугатилгандан кейин қарийиб тўлиқ сақланиб қолганлиги билан бошқа МДҲ давлатларидан ажралиб туради.

2025 йилнинг 1 январ ҳолатига Беларусь Республикасида қорамоллар бош сони 4,1 млн бошни, шу жумладан сигирлар 1,43 млн бошни ташкил этган. Шуни алохида таъкидлаш жойиз-ки, бу қорамолларнинг қарийиб 98,5 % и йирик қишлоқ хўжалик корхоналари ҳиссасига тўғри келади [2]. Мамлакат аграр иқтисодиётида жами даромаднинг 60% и чорвачиликдан олинади. Республика бўйича 150 дан ортиқ чорвачилик комплекслари мавжуд [12].

Беларусь Республикасида чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: янги илмий ишланмалар ва ресурстежамкор технологияларни кенг жорий этиш, тармоқ ресурс имкониятларини оптималлаштиришдан иборат бўлсада, асосий эътибор инновацион технологияларни қўллаган ҳолда селекция ишларини такомиллаштириш орқали маҳсулдорликни оширишга, иқтисодий самардорликни кўтаришга қаратилган. Бунда, сут қорамолчилигида селекция-наслчилик ишларининг асосий мақсади сифатида мавжуд сутдор қорамоллар подасининг генетик салоҳиятини ошириш, яъни, сигирларнинг ўртача сут маҳсулдорлигини 9,5-10,0 минг килограммга, сут таркибидаги ёғ ва оқсил миқдорини мос равишда 3,6-3,9 ва 3,2-3,4 % га етказиш масаласи ҳисобланади. Бу масалани ҳал этишда қорамоллар популяциясининг юқори маҳсулдор қисмини зотдорлик даражаси 50% дан кам бўлмаган 700 минг бош голштин зотли моллардан шакллантириш ҳамда сут маҳсулдорлик бўйича генетик салоҳияти 12 минг кг.дан кам бўлмаган маҳаллий белголштин зотини яратиш ишларини охирига етказиш режалаштирилган.


Беларусь Республикасида сут ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан энг самарадор йўналиш эканлиги сабабли бу тармоқ устувор тармоқ ҳисобланади [11]. Чунки, мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат структурасида сут ва сут маҳсулотларининг улушига (27-30%) боғлиқ ҳолда озиқ-овқат хавфсизлиги сутчиликнинг ривожига бевосита боғлиқ [6]. Шу билан биргаликда, мамлакатда ишлаб чиқарилган сутнинг 55%идан ортиғи ташқи бозорга жўнатилиши сабабли сутдор қорамолчилик экспортга йўналтирилган тармоқ ҳисобланади [3,9].

Бундай натижаларга эришишда наслчиликнинг аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда мамлакатда давлат наслчилик хизмати тизими мустаҳкам ташкил этилган бўлиб, у уч даражада (республика, вилоят ва туман) шакллантирилган. Бунда ишлаб чиқарувчилар билан давлат бошқаруви, мониторинги ва мувофиқлаштириш органлари ўртасида боғловчи сифатида "Белплемживобеъединиение" давлат бирлашмаси фаолият юритади. Унинг 6 вилоятда ҳудудий наслчилик корхоналари, 1 элевер, 2 та сут лабораториялари мавжуд. Бундан ташқари, 2 та наслчилик субъекти билан ҳамкорликдаги қорамоллар эмбриони ишлаб чиқарувчи лабароториялари фаолият юритмоқда. Бу тизимда энг юқори ташкилот Беларусь Республикасининг Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлиги ҳисобланади. Мамлакатда наслли моллар подаси бўйича умумий ҳамда алоҳида наслли молларнинг маҳсулдорлиги, наслий қиймати ҳақидаги узулуксиз янгиланиб, такомиллашиб борадиган маълумотлар базаси шакллантирилган бўлиб, бунда марказлашган наслчилик хизмати тизими сутдор қорамолчиликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб боришини, подалар такомиллашувини таъминламоқда [5].

Айни вақтда, Беларусь сут қорамолчилигида наслчилик мақомида 56 та субъект фаолият юритади ва уларнинг барчаси Ўзбекистон наслчилик корхона ва хўжаликларига нисбатан анчагина йирик ташкилотлардир. Бундан ташқари, 8 та ташкилот наслли молларнинг маҳсулдорлигини ҳисобини юритиш, фенотипик ва генотипик белгиларини баҳолаш, пода сифатини бошқариш мақсадида маълумотлар базасини шакллантириш билан, 7 та селекция-генетика марказлари наслли молларни урчитиш, наслчилик маҳсулотлари етиштириш, шу жумладан, наслли подани тўлдириш ва сунъий уруғлантириш учун хом ашё маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланадилар [4].

Беларусь наслчилик хизматининг тузилмаси асосан Беларусь Республикасининг 20.05.2013 йилдаги № 24-З сонли, "Чорвачиликда наслчилик иши тўғрисида"ги Қонун асосида шакллантирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Беларусь Республикаси наслчилик хизматининг структураси қуйидаги, 1-расмда ифодаланган. Расмдан кўриш мумкин-ки, Беларусь Республикасининг Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлиги тизимнинг юқори даражаси бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири – наслчилик бўйича ягона давлат сиёсатини юритиш, наслчилик ишларини мувофиқлаштириш, бошқариш ва назорат қилишдир. Бу тизимда Давлат наслчилик хизмати асосий алоҳида тузилма сифатида асосий ўринни эгаллайди.

У давлат ҳокимиятининг вертикал структурасига мос ҳолда тузилган бўлиб, республика даражасида вазирлик таркибидаги бошқарма, вилоят даражасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат масалалари ижроия комитетидаги наслчилик бўлимлари кўринишида, туманлар даражасида эса туманнинг юқорида кўрсатилган комитети бўлинмаларидаги бош зооотехниклар сифатида таркиб топган.



1-расм. Беларусь Республикаси наслчилик хизматининг тузилмаси [5].

Давлат наслчилик хизматининг асосий вазифалари сифатида қуйидагила эти белгиланган:

- Наслчилик соҳасида давлат дастурлари бажарилишини таъминлаш;
- Наслчилик амалиётига илғор фан ютуқлари ва тажрибаларни жорий этиш, сунъий уруғлантиришни ривожлантириш, эмбрион трансплантацияси, наслли ёш молларни кўпайтириш ва парваришлаш;
- Наслчилик бўйича давлат ахборот тизимини яратиш ва юритиш;
- Наслчилик субъектлари ҳисобни юритиш;
- Наслли моллар ва подаларнинг давлат руйхатини шакллантириш;
- Наслли моллар ва подаларнинг маҳсулдорлигини аниқлаш, наслий (генетик) сифатини баҳолаш, наслчилик маҳсулотларини генетик экспертизадан ўтказиш;
- Наслчилик бўйича конкурс, кўргазма ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;
- Қонун ва қонунчиликда таъқиқланмаган турли фаолиятларни юритиш [8].

Давлат наслчилик хизматига юкланган вазифалар ўз даражасига мос ҳолда амалга оширилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вазирлик таркибидаги бошқарма, вилоят қўмиталаридаги бўлимлар, туман ижроия комитетидаги зотехник-селекционерлар бир вақтнинг ўзида давлат наслчилик назоратчилари (инспекторлари) ҳисобланадилар.

Наслчилик хизматининг яна бир алоҳида тармоғи бу – Наслчилик бўйича Беларусь давлат бирлашмаси - «Белплемживобъединение» тузилмаси бўлиб, унинг тизим-таркибида 6 та вилоят корхоналари фаолият юритади. Бундан ташқари, Республика бирлашмасига қарашли 1 та подани тўлдирмшга мўлжалланган Наслли буқалар етиштирувчи республика элевери (РУСХП «Оршанское племенное предприятие»), Сут сифатини аниқлаш бўйича марказий лаборатория (РУП «Областная лаборатория по определению качественных показателей молока») мавжуд бўлиб, БГО «Белплемживобъединение»нинг бугунги кундаги асосий вазифаси селекция-наслчилик ишларини янада ривожлантириш, қорамоллар подасини узлуксиз яхшилаб боришдир. Унинг таркибидаги наслчилик корхоналари республика селекция дастурларини вилоятлар ҳудуди доирасида бажарадилар. Беларусь Республикасининг “Чорвачиликда наслчилик иши тўғрисида”ги қонунига асосан наслчилик субъектлари бўлиб, улар селекция-генетика марказлари мақомига эга. Улар уруғ, эмбрион ишлаб чиқариш, сақлаш ва барча тоифадаги хўжалик субъектларига сотишни амалга оширадилар.

Селекция дастурларини амалга оширишда етарли даражада жиҳозланган, сут маҳсулотини ёғи, оқсили, лактоза, мочевина, соматик ҳужайралари бўйича комплекс текширадиган сут лабораториялари бўлиши шарт. Беларусь Республикасида бундай лабораториялар 6 та бўлиб, улар 6 та турли вилоятларда жойлашган. Улар вилоят наслчилик корхоналари ҳузурида ташкил этилган бўлиб, уларда юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар бўйича текшириш методикаси ишлаб чиқилган, хўжаликлардан намуналар қабул қилиш ва маълумотлар алмашиш тизими йўлга қўйилган [7].

Элеверларнинг асосий вазифалари эса: хўжаликлардан юқори сифатларга эга наслли буқачаларни йиғиш, уларни мақсадли равишда парваришлаш,уларни ривожланиши ва уруғ маҳсулдорлиги бўйича баҳолаш ва танлаш, қисқача айтганда наслдор буқалар етиштиришдир. Алоҳида мустақил наслдор буқалар етиштиришга ихтисослашган битта элевер корхона мавжуд бўлиб, бу - РУСХП «Оршанское племенное предприятие» ҳисобланади. Ундан ташқари, ҳар бир вилоят наслчилик корхонаси таркибида мустақил бўлмаган шундай бўлинмалар фаолият юритадилар.

Бугунги кунда ва умуман олганда ҳам ҳолатни аниқлаш, режалаштириш мониторинг юритиш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш учун маълумотлар базаси бўлишини тақозо қилади. Бундай зарурият кенг кўламли селекция тадбирларини амалга оширишда мавжуд бўлиб, буни компьютер ахборот тизимларисиз бажариш мумкин эмас. [10, 13].

Беларусь Республикаси шундай давлат ахборот тизими тизим мавжуд бўлиб, у Наслчилик ишида ахборот тизими маълумотларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом асосида бошқарилади. У ўз ичига белгиланган тартибда шакллантирилган марказий маълумотлар банки, наслчилик субъектлари руйхатини, давлат реестрини, наслчилик маҳсулотлари маълумотлари банкини, ҳамда, наслчилик китобларини олган. Давлат ахборот тизимини шаклланиши 3 даражада содир бўлади: республика, вилоят ва наслчилик субъектлари (наслчилик заводлари, наслчилик репродукторлари, селекция-генетика марказлари, селекция-гибрид марказлари, генофонд хўжаликлар). Республика ахборот-ҳисоблаш унитар корхонаси - «ГИВЦ Минсельхозпрода» наслчиликда дастурий-техник воситаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, наслчилик маҳсулотлари ахборот базасини ва маълумотлар банкини бошқаришни амалга оширади. Бундан ташқари, марказий банк маълумотларини тармоқ даражасида интеграциялаш, бирламчи маълумотларга ишлов бериш

андозалари яратиш, марказлашган меъёрий-маълумотномаларни шакллантириш, давлат ахборот тизимини юритиш ва тизимли бошқариш администратори вазифасини бажаради. Давлат–ахборот тизимини техник ва ташкилий жиҳатдан республика даражасидаги оператори сифатида БГО «Белплемживобъединение», унинг вилоят ва туманлар даражасидаги операторлари эса вилоятлар наслчилик корхоналари ҳисобланади. Давлат наслчилик ахборот тизмидан фойдаланувчилар наслчилик суъектлари, наслчилик бўйича давлат бошқаруви органлари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланадилар. Шу тариқа, биринчи босқичда ахборот тизими наслчилик субъектлари маълумотлари билан тўлдирилиб, кейинги босқичда туман ва вилоят наслчилик корхоналари даражасида умумлаштирилади. Ундан кейин эса маълумотлар маркази маълумотлар банкини шакллантириш учун РУП «ГИВЦ Минсельхозпрода» корхонасига узатади ва ундан учинчи, юқори босқич - БГО «Белплемживобъединение»га тақдим этилади.

ХУЛОСА. Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкин-ки, Беларусь Республикасини бугунги кун сутдор қорамолчилигидаги ютуқларга мавжуд наслчилик хизмати тизимининг сақлаб қолинганлиги, бозор шароити ва фан-техника тараққиётига мос ҳолда такомиллаштирилганлиги, самарали бошқарилиши натижасида эришилган.

Ушбу вертикал ва горизонтал ҳолатда ўзаро интеграцияланган тизим, ягона мувофиқлаштирувчи марказ (умумий ҳолатда-Беларусь Республикаси қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлиги, хос ҳолатда-наслчилик бошқармаси) мавжудлиги; сутдор қорамолларнинг якка ва популяция даражасидаги наслий қиймати ҳақидаги маълумотларни йиғиш, ишлов бериш тизими; наслчилик хўжаликлари ва бошқа субъектлар, шу жумладан, республика миыёсида 1 та бирлашма ва ҳудудий селекция-генетика марказлари (вилоят наслчилик корхоналари); наслчилик соҳасида муносабатларни бошқарувчи меъёрий-ҳуқуқий тизим, юқори даражадаги ижро интизоми мавжудлиги билан изоҳланади. Ушбу тизимнинг ҳар бир босқичини бевосита ўрганиш, Ўзбекистон шароитига мос хусусиятларни инобатга олган ҳолда фойдаланиш қорамолчиликни ривожлантиришда яхши натижалар бериши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. «Белплемживобъединение». – Режим доступа: URL: http://belplem.by/molochnye-laboratorii/ (дата обращения: 10.07.2017).
2. Белстат: на 1 января 2025 года в Беларуси зарегистрировано 4,1 млн голов КРС/https://milknews.ru/index/byelstat-krs.
3. Бадьина В.М., Бадьина М. Ю. Современное состояние и перспективы развития молочного скотоводства в Республике Беларусь. Современные технологии сельскохозяйственного производства: сб. науч. статей по материалам XVII Международной научно-практической конференции. Гродно: УО «ГГАУ», 2014. С. 5-6.
4. Вишневец А.В. [и др.]. Разведение сельскохозяйственных животных с основами селекции: учеб-метод. пособие для абитуриентов по специальности 1 - 74 03 01 «Зоотехния» ССПВО. Витебск: ВГАВМ, 2017. 12 с.
5. Климов Н. Н., Коршун С. И. Структура племенной службы в отрасли молочного скотоводства Республики Беларусь // Аэкономика: экономика и сельское хозяйство. 2017. №7 (19). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/struktura-plemennoy-sluzhby-v-otrasli-molochnogo-skotovodstva-respubliki-belarus (дата обращения: 22.10.2025).

6. Мисуно В. Молочный подкомплекс Республики Беларусь: состояние, проблемы развития. Аграрная экономика. 2009. № 9. С. 50-56.
7. Молочная лаборатория в Беларуси [Электронный ресурс]. / Официальный сайт БГО по племенному животноводству
8. Положение о государственной племенной службе: утв. постановлением Совета Министров Республики Беларусь от 22 ноября 2013 г. № 1005 // Национальный правовой Интернет- портал Республики Беларусь, 04.12.2013, 5/38081.
9. Тимошенко В.Н., Музыка А.А., Москалев А.А. Перспективы развития молочного скотоводства в Республике Беларусь. Передовые технологии и техническое обеспечение сельскохозяйственного производства: материалы Междунар. науч.-практ. конф. – Минск: БГАТУ, 2017. С. 15-20.
10. Тюренкова Е.Н. Управление племенным животноводством в регионе с применением информационных технологий. Техника и оборудование для села. 2012. №10. С. 41-45.
11. Шейко И.П., Брыло И.В. Концепция развития отраслей животноводства в Беларуси. Весці Нацыянальнай акадэміі навук Беларусі. Серыя аграрных навук. 2014. №1. С. 62-66.
12. Шилов А. И., Ляшук Р. Н., Шилов О. А. Производство молока в республике Беларусь (состояние и перспективы) // Вестник Курской государственной сельскохозяйственной академии. 2019. №3. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/proizvodstvo-moloka-v-respublike-belarus-sostoyanie-i-perspektivy (дата обращения: 22.10.2025).
13. Юдин В.М. Роль информационных технологий в повышении эффективности ведения молочного скотоводства. Вестник Ижевской государственной сельскохозяйственной академии. 2015. №2. С. 3-9.
14. Белстат: на 1 января 2025 года в Беларуси зарегистрировано 4,1 млн голов КРС